



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 19 » may

№ 295

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси йул хўжалиги тизимини чукур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сон Фармони ва “Йул соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4545-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари уз кучини йўкотган деб хисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул килган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



A. Арипов

ex-act: отв. ....  
21.05.2020 8 56

UZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAHKAMASI  
20.05.2020  
22.5 12.5

автомобиль йўлларини йўлларда харакатланишни тартибга солишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш соҳасида ягона техник сиссатни амалга оширади;

стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўлларда харакатланишни тартибга солишнинг бошқа техник воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этади;

автомобиль йўлларида узоқ муддат фойдаланишни таъминловчи йўл белгиларини ўрнатиш ва ётиқ йўл белгиларини чизиш чораларини кўради;

*м) йўл ҳўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш соҳасида:*

ўз ваколатлари доирасида автомобиль йўллари масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорликни амалга оширади ҳамда уларда Узбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ифода этади, Узбекистон Республикасининг автомобиль йўллари соҳасидаги халқаро шартномаларда иштирок этишини таъминлайди;

автомобиль йўллари соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш, автомобиль йўллари масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, шунингдек, хорижий компаниялар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади.

**12. Кўмита унга юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда унинг бош бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари орқали амалга оширади.**

Кўмита умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қияниш ишларни бўйича ягона буюртмачиси ҳисобланиб:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклап, қишини қаров, кўкаламзорлаштириш ва жорий таъмирлаш, улардаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни амалга ошириш ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш эҳтиёжлари учун жиҳозлаш (технологик ускуна, техника ва машина-механизмлар харид қилиш) бўйича буюртмачи функциялари бош бошқармалар;

халқаро аҳамиятдаги А-373 "М39 автойули-Гулистон-Бука-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлиният 183-285 км участкаларини ҳамда уларга туташ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш, жорий таъмирлаш, улардаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функциялари "Камчикавтойул" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

Автомобиль йўлларини ривожлантириш учун ажратиладиган маблағларни сарфлаш бўйича буюртмачи функциялари Кўмита раисининг қарори билан бошқа идоравий мансуб ташкилотларига юкланиши мумкин.

хужжатларига риоя этишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналаридан хорижий мамлакатларда йўл хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар, хисоботлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан йўл хўжалиги соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклифларни сураш ва олиш;

Кўмита, бош бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда хорижий мамлакатларга юбориш;

Кўмита, бош бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ўртасида танлов ва тендер савдолари ўтказмасдан товарларни сотиш, харид қилиш ва етказиб бериш, хизматлар курсатиш ҳамда ишларни бажариш;

Кўмита, бош бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларига асосий воситаларни бириттириш;

автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи ҳамда йўл-курилиш материалларини ишлаб чиқарувчи мустақил корхоналарни ва бошқа корхоналарни, шу жумладан, қўшма корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, Кўмита тизимиға кирувчи ташкилотларни бирлаштириш ва тугатиш;

ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий хисобланган норматив-хуқуқий хужжатлар кабул қилиш, зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа хужжатларни кабул қилиш;

ўз ташкилий тузилмаси доирасида бир ташкилотдан бошқасига оператив бошқариш (фойдаланиш) хуқуқи асосида давлат мулкини, жумладан, давлат кўчмас мулки объектларини ўтказиш;

конун хужжатларида тақиқланмаган маблағлар хисобига жамғармалар, шунингдек, моддий рағбатлантирувчи бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш, Кўмита бош бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятидан олинган фойдани Кўмитанинг жамғармаларига йўналтириш;

соҳадаги ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун уларга етарли даражада шароит яратиш мақсадида ижтимоий объектларни қуриш, ташкил этиш ва сақлаш;

Кўмита томонидан ташкил этиладиган қўшма корхоналарнинг ва жамиятларнинг таъсисчиси булиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўл бўйи минтақаларида сервис хизматларини кўрсатиш мақсадида корхоналар ташкил этиш;

идоравий мансуб ташкилотларнинг муассиси функциясини амалга ошириш;

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЙЎЛ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5890-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, республика йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида:

#### 1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

устав фондида давлат улуши «Йўлкурилиш» АЖга ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси корхоналари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ихтиёрига ўтказиладиган илмий-тадқикот ва таълим муассасалари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда — Кўмита) раисига қўйидаги хукуклар берилсин:

Кўмита марказий аппаратининг тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

автомобиль йўлларини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи мустақил корхоналар ва бошқа корхоналар, шу жумладан қўшма корхоналар ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси билан келишилган ҳолда Кўмита таркибидаги корхоналарни бирлаштириш ва тутатиш.

#### 2. Белгилансинки:

Кўмита раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Кўмита ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Махкамасига белгиланган тартибда киритиш хукуқига эга;

автомобиль йўллари ва йўл хўжалиги масалалари бўйича норматив-хукукий хужжатлар лойиҳалари Кўмита билан албатта келишилиши лозим;

Кўмитанинг ўз ваколатлари доирасида кабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади;

туман йўл-эксплуатация корхоналари, йўллардан мунтазам фойдаланиш корхоналари, «Ўзйўлкўкаламзорлаштириш» УКнинг худудий бўлинмалари, кўприклардан фойдаланиш корхоналари ва Кўмитанинг бошқа йўл-эксплуатация корхоналарини саклаб туриш, шу жумладан уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ҳамда устамалар тўлаш ушбу корхоналар томонидан бажариладиган иш хажмлари маблаглари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

Кўмита томонидан жалб килинадиган ҳалқаро консультантнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасини ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) хисобидан амалга оширилади;

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

республика худудида, шунингдек, республика худудига кирадиган оғир ва йирик габаритли автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш, шунингдек, автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши учун йигимлар ундириш ва уларнинг ҳаракатланиши (кириши) учун рухсатномалар бериш Кўмита томонидан амалга оширилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини тартибга солишнинг техник воситалари ва уларнинг конструкциялари, шу жумладан фото- ва видеоқайд этиш техник воситалари Кўмита билан келишилган холда ўрнатилади;

автомобиль йўлларининг қатнов кисмларига узунасига жойлашган мухандислик коммуникацияларининг янги тармокларини лойихалаштириш ва ётқизиш тақиқланади, уларнинг автомобиль йўллари билан кўндаланг кесишиши бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 31 декабрга кадар қўйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсан:

Кўмита томонидан автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби;

хорижий юқ автотранспорт воситаларининг республика автомобиль йўллари бўйлаб ўтиши километрини ёки вақтини ҳисоб-китоб қилиш ва бунинг учун ҳак ундириш тартиби;

ўлчов воситаларини жиҳозлаш бўйича ишларни 2021 йил охиригача якунлашни назарда тутган холда автоматлаштирилган ўлчаш воситалари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича турғун ва кўчма постлар ташкил этиш дастурлари.

5. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларидаги ер участкалари Кўмитага босқичма-босқич биректирилишини таъминласин.

6. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унга мувофиқ:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларida жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташки реклама объектлари (конструкциялари) Кўмита рухсати асосида қурилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг йўл бўйи минтақасидаги ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун бошқа объектлар Кўмита билан келишув бўйича жойлаштирилади ва қурилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларida жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташки реклама объектлари (конструкциялари) қуриш учун электрон аукционлар якунлари бўйича ҳуқуқ тақдим этишдан тушадиган маблағлар, шунингдек, ташки рекламанинг ўрнатилган объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловлар 60 фоиз микдорида Қоракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни бош молия бошқармалари ҳузуридаги худудий мақсадли жамғармаларга, 40 фоиз микдорида Жамғармага йўналтирилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг йўл бўйи минтақасида жойлашган ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа объектларини жойлаштириш ва қуриш учун мазкур ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқукини реализация қилишдан тушадиган маблағларнинг 60 фоизи Қоракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни бош молия бошқармалари ҳузуридаги худудий мақсадли жамғармаларга, 40 фоизи Жамғармага йўналтирилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташки рекламани жойлаштириш хукуқи учун йигимлардан тушадиган маблағлар Жамғармага йўналтирилади.

7. Белгилансинки, Кўмита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда молиялаштиришнинг белгиланган лимитлари доирасида автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш обьектларининг тасдиқланган манзилли рўйхатларига ўзгартириш ва кўшимиchlар киритиш хукуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Иктисадиёт ва саноат вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар йўл бўйи сервиси обьектларини жойлаштириш ва эксплуатация қилиш тартибини ишлаб чиқсан хамда тасдиқласин.

9. 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида пулли автомобиль йўлларини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича «Йўл ҳаритаси» 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг ва молия вазирининг биринчи ўринбосарларига уларни амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

#### 10. Белгилаб қўйилсинки:

«Йўлқурилиш» АЖ устав капитали 2019 йил 1 июлдаги активларни хисобга олиш холати бўйича Кўмита таркибидан чиқариладиган корхоналар устав жамғармаларидаги давлат улушларини номинал қиймати бўйича 2020 йил 1 декабрга қадар ўтказиш хисобига шакллантирилади;

«Йўлқурилиш» АЖ акцияларининг давлат пакети Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан бошқарилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда қўйидаги йўналишларда «Йўлқурилиш» АЖ фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин:

халқаро стандартлар асосида инновацион технологияларни жорий этган ҳолда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш;

замонавий автойўл конструкциялари ва усқуналарини, шунингдек, юкори сифатли йўл-қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашда механизацияшган ишларни бажариш;

автомобиль йўллари бўйлаб сервис хизматлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш;

жамият таркибига кирадиган йўл-қурилиш ва бошқа корхоналарни босқичма-босқич хусусийлаштириш чораларини амалга ошириш.

#### 12. «Йўлқурилиш» АЖ:

эмиссия кимматли қоғозлари чиқаришни давлат томонидан рўйхатга олиш ва кимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш учун йигимлар;

кайта ташкил этилаётган корхоналарнинг ўтказиб берилаётган автотранспорт воситаларини қайта рўйхатга олишда автотранспорт йигимларини тўлашдан озод этилсин.

13. «Ўзватосаноат» АЖ 2020 йил 1 марта қадар етакчи хорижий компаниилар билан биргаликда арzon нархларда, ички бозор эҳтиёжларини кондириш учун етарли ҳажмда юкори сифатли самосваллар ишлаб чиқариш ташкил этилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда республика шаҳарлари ва туманлари ободонлаштириш бошкармаларининг йўл-кўприк хўжалигини эксплуатация қилиш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва автомобиль йўлларини эксплуатация қилишда Кўмита бўлинмалари билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини белгилаш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи хукumat карори лойиҳасини киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда илғор хорижий тажриба асосида, мамлакатимизнинг иклим ҳусусиятларини ва ҳаракатланиш интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўллари ва йўл инфратузилмасини қуриш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни фаоллаштирун.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхонатариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан;

бир ой муддатда автомобиль-йўл соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини автомобиль йўллари қуришнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсан;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

2020 йил 1 январга қадар манфаатдор идоралар билан биргаликда автомобиль йўллари бўйича етакчи ҳалқаро ташкилотларга (Ҳалқаро йўллар федерацияси, Ҳалқаро йўл уюшмаси ва бошқаларга) аъзо бўлишнинг, шунингдек, автомобиль йўллари соҳасидаги ҳалқаро шартномаларга (Ҳалқаро автомагистраллар тўғрисидаги Европа битимиға (Женева шаҳри, 1975 йил 15 ноябрь) ва бошқаларга) кўшилишнинг амалдаги аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

2020 йил 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда республиканинг автомобиль йўлларида юқ автотранспорт воситаларининг айrim тоифалари ҳаракатланиши тартибини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин, Йилнинг ҳарорат юкори бўлган вақтларида уларнинг ҳаракатланишига мавсумий чекловлар жорий этилишини назарда тутсан;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 декабрь,  
ПҚ-4545-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4545-сон карорига  
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари  
кўмитасининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги  
Автомобиль йўллари кўмитаси



фойдаланиш  
бошқармаси» УК  
«Барданкүл  
йүллардан  
фойдаланиш  
бошқармаси» УК

«Йүллардан  
мунтазам  
фойдаланиш  
корхоналари» УК

«Кўприклардан  
фойдаланиш  
корхоналари» УК

39

13

Касб-хунар  
коллежлари

4

«Вахшивор»,  
«Йўлчи» ва  
«Автойўлсоз»  
болалар  
соғломлаштири  
иш  
оромгоҳлари

«Ўзавтойўлбелги» ДУК

«Автойўлсервис» УК

«Автойўлинвест»  
агентлиги\*\*

\* таркибида юридик шахс хукукларига эга бўлган мустакил таркибий бўлинмалар мавжуд;

\*\* Республика йўл жамғармаси «Автойўлинвест» агентлигига айлантирилади.